



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGINING**

QARORI

№ 02/18-2-2/N-5

“14” ноябрь 2025 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) “Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият)нинг 2025 йил 10 октябрдаги билдиришномасига, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддасига ҳамда “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш” қоидаларининг (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) 99-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамиятнинг 2025 йил 10 октябрдаги билдиришномасига кўра, Жамиятнинг 2024 йил 28 февралда Q0102-8-сон билан давлат рўйхатига олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан чиқарилган умумий қиймати 53 868 567 880 сўмлик номинал қиймати 1 480 сўм бўлган 36 397 681 дона оддий акцияларнинг 100 фоизи жойлаштирилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг 2024 йил 28 февралда Q0102-8-сон билан давлат рўйхатига олинган қўшимча акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилсин.

3. Жамиятга мазкур қарорни олган вақтдан бошлаб, ушбу қарор тўғрисидаги ахборотни 2 иш кунни муддатда ошқор этиши ҳамда 10 кун муддатда Жамият томонидан Агентликка акциялар чиқарилишига берилган давлат рўйхат рақамини эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш учун “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари”нинг 102-банди “а”-кичик бандида белгиланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда ёзма ариза берилиши юклатилсин.

4. Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига ушбу қарорнинг бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ва бир нусхасини Жамиятга ижро учун тақдим этиш юклатилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўлимига юклатилсин.

Директорнинг биринчи
ўринбосари



В. Пак